

ИҚТИСОДИЙ СУДЛАРДА СУД ҲУЖЖАТЛАРИНИ ИЖРО ЭТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Джумаев Бехзод Файзуллоевич
Давлат меҳнат инспекцияси
Меҳнат ҳуқуқи бошқармаси бошлиғи

Аннотация: Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси иқтисодий судлари фаолиятида суд ҳужжатларини ижро этишнинг ҳуқуқий ва амалий жиҳатлари таҳлил қилинган. Иқтисодий процессуал кодекснинг тегишли моддалари асосида ҳал қилув қарорларининг қонуний кучга кириши ва ижро қилинишига оид нормалар ёритилган. Шунингдек, тадбиркорлар ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини самарали ҳимоя қилишда иқтисодий суд қарорларининг ижроси муҳим ўрин тутиши каби масалалар таҳлил этилган.

Калит сўзлар: Иқтисодий суд, суд ҳужжати, ижро жараёни, ҳал қилув қарори, қонуний куч, Иқтисодий процессуал кодекс, ижро варақаси, суд ҳоқимияти.

Annotation: This article analyzes the legal and practical aspects of enforcing judicial documents in the activities of the economic courts of Uzbekistan. Based on relevant articles of the Economic Procedural Code, it outlines the rules related to the entry into legal force and enforcement of final decisions. It also emphasizes the importance of the enforcement of court decisions in effectively protecting the rights and freedoms of entrepreneurs and citizens.

Keywords: Economic court, judicial document, enforcement process, final decision, legal force, Economic Procedural Code, writ of execution, judicial authority.

Маълумки, Мамлакатимизда 1992 йилдан 2017 йил 1 июнга қадар иқтисодий низоларни кўриб чиқувчи суд сифатида хўжалик судлари фаолият юритиб келган бўлса[1], 2017 йилнинг 1 июнидан бошлаб, бу судлар иқтисодий судлар деб қайта номланди ва ушбу судларда ишларни кўриб чиқишнинг процессуал қоидаларини ўзида ифодалаган Иқтисодий процессуал кодекси қабул қилинди[2]. Унда суд ишини юритишга оид янги процессуал ҳуқуқ нормалари акс этган бўлиб, тадбиркорлик субъектлари ёки фуқаролар ҳам иқтисодий судларга мурожаат қилишгаётганида мазкур қоидаларга тўлиқ риоя қилишлари лозим бўлади[3]. Ўз бузилган ҳақ-ҳуқуқини қонуний ҳимоя қила олиш фуқаролар, давлат органлари, ташкилотлар, шу жумладан, тадбиркорлик субъектлари учун муайян билим ва кўникмалар мавжуд бўлишини

талаб этади. Бунга эришиш эса улар учун энг қадрли бўлган вақти ва маблағининг тежалишига олиб келади, ортиқча оворагарчиликларга барҳам беради[4]. Қодиров С.Қ. таъкидлаганидек, “Суд томонидан қабул қилинган ҳал қилув қарорининг ўз вақтида ижро этилиши фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончини мустаҳкамлаш ва суд ҳокимиятининг нуфузини оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга[5].

Бош Қомусимиз бўлган Конституциямизда инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш давлатнинг олий мақсади эканлиги, давлат инсон ҳамда фуқаронинг Конституция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаши белгиланган.

Дарҳақиқат, инсон ҳамда фуқаронинг Конституция ва қонунларда белгиланган ҳуқуқларини мустаҳкамлаш, уларни ишончли ҳимоя қилиш, шу жумладан, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари амалга оширилишини кафолатлаш, суд ҳокимияти мустақиллигини таъминлаш, одил судловнинг самарадорлигини, халқимизнинг суд органларига нисбатан ишончи ва ҳурматини ошириш борасида самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, суд томонидан қабул қилинадиган суд ҳужжатлари қатъий ҳисобланади ва Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида бажарилиши мажбурийдир.

Хусусан, суд томонидан қабул қилинадиган суд ҳужжатлари ижросини қонуний муддатларда таъминлаш ўта муҳим бўлиб, суд қарорларининг ижросини ўз вақтида бажарилиши фуқароларнинг одил судловга бўлган ишончини ортишига ҳамда суд ҳокимиятининг нуфузини янада юксалишига хизмат қилади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси (кейинги ўринларда матнда ИПК деб юритилади)нинг 15-моддасига мувофиқ, қонуний кучга кирган суд ҳужжатлари барча давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, бошқа органлар, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир ҳамда ушбу ҳужжатлар Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ижро этилиши лозим.

Амалдаги, ИПКнинг 192-моддасига асосан ҳал қилув қарори, агар унинг устидан апелляция тартибида шикоят қилинмаган (протест келтирилмаган) бўлса, у қабул қилинган кундан эътиборан бир ойлик муддат ўтгач, қонуний кучга киради. Апелляция шикояти (протести) берилган тақдирда ҳал қилув қарори, агар у бекор қилинмаган бўлса, апелляция инстанцияси судининг қарори қабул қилинган кундан эътиборан қонуний кучга киради.

Демак, ҳал қилув қарори ижро этилишининг асосий шarti унинг қонуний кучга кирганлиги ҳамда бекор қилинмаганлиги ҳисобланади.

Шунингдек, агар ушбу Кодексда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, суд ҳужжатининг ижроси суд томонидан бериладиган ижро варақаси асосида амалга оширилади.

Ушбу кодекснинг 335-моддасига кўра, суд томонидан берилган, ундирувчининг суд ҳужжатини мажбурий тартибда ижро эттириш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат ижро варақаси ҳисобланади.

ИПКнинг 336-моддасида белгиланганидек, суд ҳужжати бўйича битта ижро варақаси берилади, бундан ушбу Кодексда назарда тутилган ҳоллар мустасно. Агар суд ҳужжатини ижро этиш турли жойларда ёхуд бир нечта ундирувчи фойдасига амалга оширилиши керак бўлса, суд ундирувчиларнинг илтимосига кўра ижро этиш жойи ёхуд суд ҳужжатининг ушбу ижро варақаси бўйича ижро этилиши лозим бўлган қисмини кўрсатган ҳолда бир нечта ижро варақасини беради. Ижро варақаси суд ҳужжатини қабул қилган суд томонидан берилади. Суд ҳужжати қонуний кучга кирганидан сўнг беш кун ичида ижро варақаси ундирувчига берилади ёки унинг илтимосномасига кўра давлат ижрочисига ижро этиш учун юборилади. Бюджетга маблағларни ундириш учун ижро варақаси қарздор турган жойдаги давлат ижрочисига суд ҳужжати қонуний кучга кирганидан сўнг беш кун ичида юборилиб, ижро варақа мазмуни ИПКда белгиланган талабларга жавоб бериши лозим.

Бундан ташқари, ИПКнинг 338-моддасига асосан суд ҳужжати қонуний кучга кирган кундан эътиборан ёки суд ҳужжатининг ижроси кечиктирилган ёки бўлиб бўлиб ижро этилган тақдирда, муддат тугаган кундан эътиборан уч йил ичида ижрога тақдим этилиши мумкин. Агар суд ҳужжатининг ижроси тўхтатиб қўйилган бўлса, унинг ижроси тўхтатиб қўйилган вақт ижро варақасини ижрога тақдим этиш учун белгиланган муддатга кўшиб ҳисобланмайди.

Эътиборли жиҳатларидан яна бири шундаки, суд ҳужжатларини ижроси билан боғлиқ аризаларни судлар томонидан кўриб чиққанлик учун давлат божи ундирилмайди, манфаатдор шахс, асосан ундирувчи ариза ва унга зарур ҳужжатларни илова қилинишининг ўзи етарли ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, суд ҳужжатларини ўз вақтида ижросини таъминлаш, адолат ва қонун устуворлигини таъминлашнинг муҳим мезонларидан бири ҳисобланади ҳамда фуқароларнинг суд ҳокимиятига ишончини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлиб, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга замин яратади. Иқтисодий суд қарорларининг ўз вақтида ижро этилиши ҳуқуқий барқарорлик ва одил судловга ишончни мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга. Суд ҳужжатларининг ижросини таъминлашда белгиланган ҳуқуқий нормаларга амал қилиш фуқаролар ва тадбиркорлар манфаати учун хизмат қилади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Тошкент, 1992.
2. Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси. – Тошкент, 2017.
3. “Суд ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни. – Тошкент, 2000.
4. Адлия вазирлиги ахборотномалари, турли йиллар.
5. Қодиров С.Қ. “Иқтисодий суд ишларини юритишда амалий қўлланма”. – Тошкент: Адолат нашриёти, 2021.
6. Kadirov, S.Q. (2021). Practical Guide to Economic Court Procedures in Uzbekistan. Tashkent: Adolat Press.
7. Дадашева, А. А. (2022). Право свободно получать и распространять информацию—важный фактор непосредственного общественного контроля над деятельностью органов государственной власти и управления. Academic research in educational sciences, 3(tstu conference 2), 14-19.
8. Dadasheva, A. A. (2022). Yoshlarning huquqiy madaniyatini rivojlantirishning muammolari. academic research in educational sciences, 3(tstu conference 2), 312-315.
9. Дадашева, А. (2021). Жамоатчилик фикри - фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг муҳим омили. давлат бошқарув академияси.
10. Дадашева, А. (2020). Ўзбекистонда маҳаллий ижро ҳокимияти фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш масалалари. Давлат бошқарув Академияси.
11. Дадашева, А. (2019). Давлат хизматини ислоҳ қилиш шароитида ҳокимлар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг асосий йўналишлари. Давлат бошқарув Академияси.
12. Дадашева, А. (2019). Ўзбекистонда маҳаллий ижро ҳокимияти органларининг давлат ва жамият бошқарув тизимидаги ўрни. [tadqiqot.uz. https://doi.org/10.26739/2181-9130-2019-11-6](https://doi.org/10.26739/2181-9130-2019-11-6).
13. А Дадашева - [Взаимодействие органов представительной власти на местах и самоуправления граждан в осуществлении действенного общественного контроля.](#) Фуқаролик жамияти. Гражданское общество, 2021.